

Агротуризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш ҳамда соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг муаммолари ва истиқболлари

Отабек Сиддиқович Қаҳҳоров
Ойбек Олимович Сайфуллоев
Мирали Муҳаммеджанович Ҳамроев
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада агротуризм соҳасининг жаҳон ва Ўзбекистон туризм саноатидаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Ушбу соҳанинг ҳозирги ва истиқболдаги ҳолати таҳлил қилинган. Ўзбекистонда агротуризм соҳаси ривожининг асосий муаммолари, ушбу соҳада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш агротуризм соҳаси ривожининг асосий унсурларидан бири сифатида келтириб ўтилган. Агротуризм соҳасинининг тарбикий бўлинмалари ҳамда ҳар бир бўлинма кесимида истиқболли рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: туризм, агротуризм, таълим, рақобатбардош кадрлар, инновация, сайёҳ, ички туризм, инвестиция, аҳоли бандлиги, туристик хизматлар

Problems and prospects of attracting investments in the field of agrotourism and training for the industry

Otabek Siddikovich Kakhkhorov
Oybek Olimovich Sayfulloev
Mirali Muhammedjanovich Hamroev
Bukhara State University

Abstract: The article shows the importance of agrotourism in the world and tourism industry of Uzbekistan. The current and future state of this industry was analyzed. The main problems of the development of the agrotourism sector in Uzbekistan, the training of competitive personnel in this area are considered as one of the main elements of the development of the agrotourism sector. The analysis of the system of training promising competitive personnel in the fields of agrotourism and for each section is carried out.

Keywords: tourism, agrotourism, education, competitive personnel, innovation, tourism, domestic tourism, investment, employment, tourist services

КИРИШ

Замонавий жаҳон сайёҳлик бозори тизимида агротуризм алоҳида ўрин тутди. Агротуризм соҳасига бугунги кунда туризм бозорининг етакчи ва фаол ривожланаётган тармоқларидан бири сифатида қаралади. Кўпгина тадқиқотчилар ушбу соҳа ривожини жамиятда техноген юкларнинг кўпайиши, урбанизация ва бошқа омиллар ортиб бориши билан боғлашади. Агротуризм замонавий жаҳон сайёҳлик бозори тизимида алоҳида ўрин тутди. Агротуризм жаҳон сайёҳлик бозорида нисбатан янги соҳа ҳисобланади, жуда машҳур бўлиб, бу машҳурлик нафақат табиий, балки кўплаб иқтисодий, ижтимоий-психологик ва экологик омилларга боғлиқ ҳисобланади. Табиат билан уйғунликда яшаш, табиий, органик соф озиқ - овқат маҳсулотларини бўлган талабнинг ортиши, табиатни муҳофаза қилиш ва маданий ўзига хосликни сақлаш, шунингдек, миллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасида ўсиб бораётган фарқлашни бартараф этиш истаги бу ва бошқа кўплаб омиллар бутун дунё бўйлаб агротуризм соҳасининг ривожига олиб келди.

Агротуризмнинг жадал ривожланиши хорижий сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли томонидан ушбу турдаги дам олишга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаҳар аҳолисининг жуда кўп қисми тобора қишлоқда дам олишни афзал кўришмоқда. Мисол учун, Нидерландияда шаҳарларда яшовчи сайёҳларнинг 50% гача бўлган қисми қишлоқ дам олишни хошлашади. Европада эксперт ҳисоб-китобларига кўра, агротуризм соҳасидан келадиган даромад сайёҳлик саноатининг умумий даромадларини 10-12% [1] дан 20-30% [2] гача бўлган қисмини таъминламоқда. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрига кўра, қишлоқ жойларида туризмнинг барқарор ўсиши қашшоқликнинг даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу агротуризмни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияларини ўрганишга бўлган қизиқишни оширади.

Ўзбекистон шароитида агротуризм ривожини ўзининг бошланғич нуқталарида. Агротуристлик фаолиятни ташкил этишнинг мавжуд реал мисолларига қарамадан, Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизими аниқ шакллантирилмаган. Шунингдек, агротуристлик фаолиятни махсус тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг амалда мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, ушбу соҳада инвесторларнинг қизиқиши жуда паст ёки соҳанинг инвестицион жозибadorлиги етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Аммо, бу ҳолатларни соҳага бўлган талабнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш ноўрин. Тадқиқотлар натижасида бемалол таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон шаҳар аҳолисида қишлоқ жойларида дам олишга бўлган жуда катта қондирилмаган яширин

талаб мавжуд. Ушбу қондирилмаган талабнинг мавжудлигини келтириб чиқараётган муамолардан бири сифатида агротуризм соҳасидаги кадрлар муаммосини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий талабларга мос равишда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими агротуризм соҳаси учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозорида агротуризм саноати бозор шароитларига тезда мослаша оладиган ва замонавий бошқарув технологиялари, маркетинг, шунингдек, интернет-сотувлари каби соҳаларга билимларга эга бўлган янгича фикрлайдиган рақобатбардош кадрларнинг етишмовчили кузатилмоқда. Агротуризм соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим элементи сифатида сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Албатта, ўз навбатида тан олиш лозимки, ушбу соҳада малака кадрлар тайёрлаш тизими ишчи кучига бўлган талабга ҳам боғлиқ. Агротуризм соҳасининг нисбатан ривожланмаганлиги, занжир реакцияси каби кадрлар тайёрлаш сиёсатига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Бажарилаётган мақсадли тизимли ишларга қарамай, Ўзбекистон шароитида агротуризм ривожини учун тўсқинлик қилувчи ўз ечимини кутаётган бир нечта муаммолар мавжуд. Қуйида ушбу муаммоларнинг баъзилари ва уларнинг ечимлари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар келтириб ўтилган:

Қишлоқ жойларида инфратузилмани яхши ривожланмаганлиги;

Туризм инфратузилмасига йўллар, транспорт хизмати, кафе ва ресторанлар, коммунал хизматлар, умуман олганда, сайёҳларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондирувчи воситалар киради. Дастлабки босқичда, инфратузилма нисбатан ривожланган қишлоқларда агротуризм объектлари барпо этилиши мумкин. Кейинчалик босқичма-босқич агротуризм ривожини учун салоҳиятли ҳудудларни танлаб олиш ҳамда ушбу ҳудудларни инфратузилмани шакллантириш мумкин. Шунингдек, арзимас муаммо бўлиб кўринадиган, аммо сайёҳларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётган санитар-гигиеник шаҳобчалар фаолиятини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу борада охириги йилларда ҳаракатларда жадаллашиш кузатилмоқда. Лекин етарлича муаммо ҳали ҳам мавжуд.

- Агротуризмга инвестиция киритувчи инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми яратилмаганлиги;

Агротуризм ривожининг қишлоқ ҳаётида ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқорилигини тан олган ҳолда, ушбу соҳага инвестиция киритувчилар

субсидиялаш механизмини яратиш лозим. Ушбу маблағлар қайтариб бермаслик имтиёзи билан берилиши инвестор учун сарфланган маблағнинг бир қисмини қоплаш имкониятини яратади ҳамда соҳанинг инвестицион жозибadorлигини таъминлайди. Бунда инвесторлар таваккалчилигининг маълум бир миқдорини давлат ўз бўйнига олади. Давлат бюджетидан ёки махсус фондлардан инвесторларга субсидия ажратиш ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин:

Фоизсиз кредитлар. Фоизлилик тамойили кредитнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бунда банк одатий ёки имтиёзли фоиз ставкасида кредит ажратади. Фоиз ставкаси тўлови учун эса давлат томонидан субсидия ажратилади;

Киритилаётган инвестиция суммасининг маълум бир қисми миқдорда субсидия ажратилади;

Агротуризм комплекси маълум бир даврда (кўпинча дастлабки босқичда) барча турдаги коммунал тўловлардан озод қилинади;

Агротуризм комплекси иш ҳақи харажатларининг солиқ қисми тўловидан маълум бир давр учун озод қилинади;

Инвесторларнинг инфратузилмани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлари учун субсидия ажратилади;

Агротуризм комплексининг маркетинг ва реклама харажатлари қоплаб берилади.

Агар давлат томонидан юқоридаги шакллардан ҳеч бўлмаса бирининг амалиётга татбиқ этилиши - агротуризм соҳасига киритиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли равишда ошишига хизмат қилади. Агротуризм комплексининг фаолияти ривожланиб бориши натижасида ушбу субсидиялар солиқ кўринишида давлат бюджетига қайтади.

- Кўрсатиладиган туристик хизматлар нархининг асосиз равишда баландлиги;

Ўзбекистон шароитида агротуризм комплекслари 80-90 %да ички туризм учун хизмат қилади. Бизда эса саёҳат фақатгина иқтисодий салоҳияти юқори инсонлар учун деган тасаввур ўрнашиб қолган. Бунда туризм хизматлари нархининг баландлиги ҳам маълум бир миқдорда сабабчи бўлиб қолмоқда. Инвесторлар киритган маблағларини тезда қайтариб олишни ўйлашади. Улар бардавомликдан кўра тез келадиган аммо давомий бўлмаган даромадни танлашади. Инвесторлар инвестицияларнинг ўртача қоплаш муддатини 3-5 йил қилиб белгилашади. Нарх белгалиш сиёсатида ҳам бу ҳолат ўз таъсирини ўтказди. Жаҳон амалиётига кўра 3 юлдузли меҳмонхоналар меҳмонхоналар учун инвестицияларнинг қоплаш муддати 7-10 йил, 5 юлдузли меҳмонхоналар меҳмонхоналар учун эса 15-20 йилни ташкил этади. Тадбиркорлар хизматлар таннархини пасайтириш устида инновацион ечимларни ишлаб чиқишлари

лозим. Аҳолиннг даромад даражасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан қулай тарифларни тақдим этишлари керак.

- Агротуризмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўлиқ англаб етилмаганлиги;

Олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, агротуризм иқтисодиётнинг глобал сектори сифатида эмас, туризмнинг бир тармоғи сифатида қабул қилинмоқда. 2020 йил 1 июль ҳолатида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси сони 16 890,7 минг кишини ташкил этмоқда. Бу жами аҳолининг 49,6 фоизи демакдир. Агротуризм қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун самарали воситага айланиши мумкин. Қишлоқ жойларда иқтисодий ва демографик барқарорликни таъминлаш, ушбу ҳудудларни истиқболли ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунини таъкидлаш керакки, бу вазиятда, давлатнинг вазифалари агротуризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, мамлакатнинг энг қимматли ресурсларига эътибор қаратиш, ўсиш нуқталарини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Шунингдек, бозор ҳолатини чуқур ўрганиш ва корхоналар дуч келиши мумкин бўлган имкониятлар ҳамда таваккалчиликларни аниқлаш муҳимдир.

Ушбу муаммоларга ҳамоҳанг тарзда агротуризм соҳага кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам бир қанча муаммолар мавжуд.

Жумладан:

- Агротуризм соҳасида етарли тажрибага эга бўлган малакали педагог ходимларнинг етишмаслиги;

- Таълим жараёнидаги ўқув-методик таъминот туризм соҳасининг реал эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермаслиги;

- Саноат эҳтиёжлари ва таълим муассасалари томонидан тақдим этилган таклифлар ўртасида сезиларли даражада фарқ мавжудлиги;

- Соҳадар буюртмалари асосида мутахассисларни тайёрлашда туризмга унга алоқадор бўлган бошқа тадбиркорлик объектларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини мониторинг қилиш тизимининг йўқлиги;

- Битирувчиларда таълим олиш жараёнида шаклланган амалий кўникма ва малакаларнинг олий таълим томонидан берилаётган академик даражага мос эмаслиги;

- Агроуризм соҳаси битирувчиларига меҳнат бозорида талаб, айти пайтда агротуризм соҳасида малакали кадрлар етишмаслиги. Бу ҳолат битирувчиларда муайян тайёргарлик талаблари бўйича амалий кўникмалари етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ;

- Агротуризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва олий ўқув юртлари ўртасида ушбу корхоналар негизида ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом

олди амалиётларини ташкил етиш ва ўтказиш масалалари бўйича ўзаро алоқаларнинг мавжуд эмаслиги. Бу эса битирувчиларга реал рақобат шароитларида ҳаракат қилиш ҳамда мавжуд назарий билимларни қўллашга имкон бермайди;

Шунингдек малакали кадрлар етишмовчилигига Олий ўқув юртларининг назарий билимларга урғу бериши, талабаларда амалий билим ва кўникмаларнинг етарли даражада шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, айнан шу соҳа учун кадрларни тайёрлайдиган ихтисослаштирилган ўрта таълим муассасалар фаолияти қониқарли даражада эмас. Тан олиш керак ҳозирги кунда, Ўзбекистонда фақат агротуризм фаолияти билан шуғулланувчи, юқори малакали кадрларга иш таклиф эта оладиган корхоналар бармоқ билан санокли. Бу муаммонинг ечими агротуризм комплекслари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишни ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар сонининг кўпайишини келтириб ўтиш мумкин. Агротуризм комплекслари талабалар учун амалиёт базаси ҳисобланса, етишиб чиққан малакали кадрлар агротуризм ривожини учун хизмат қилади. Бу фаолият доирасида икки томонлама юзага келадиган эҳтиёж мавжуд.

Кадрлар тайёрлаш тизими билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг яна бир ечими сифатида олий ўқув юртларининг ҳамкорлик асосида қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқишлари ҳисобланади. Агротуризм фаолияти шундай йўналишда бунда кадрлардан нафақат туризм соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам билимларга эга талаб этилади. Шу сабабли, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрловчи таълим масканларининг, қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрловчи таълим масканлари билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим ҳисобланади [3-30].

ХУЛОСА

Бугунги кунда қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туртки бериш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, иш ўринлари яратадиган барча турдаги корхоналар, жумладан, агротуризмни қўллаб-қувватлаш зарурияти кун сайин ортиб бормоқда. Агротуризм бизнес сифатида ҳам, ҳудудларни ривожлантириш воситаси сифатида ҳам катта салоҳиятга эга. Ушбу салоҳиятга мос равишда соҳа учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибига чиқмоқда. Олий маълумотли кадрлар ҳамда профессионал тарзда таълим олувчиларни тайёрлаш ҳамда уларда зарур амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш вақт масалани талаб этади. Иқтисодий прогнозлаш усуллари ёрдамида агротуризм соҳасини таҳлил қилиш ҳамда мос равишда кадрлар тайёрлаш масаласи бугун ҳар қачонкидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Казначеева С.Н., Челнокова Е.А., Коровина Е.А. Агротуризм как одно из перспективных направлений индустрии туризма // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2017. - № 3-2. - С. 248-252;
2. Ковалевская В.В., Агротуризм - новый вид туризма? / В. В. Ковалевская. - Текст : непосредственный // Проблемы современной экономики : материалы I Междунар. науч. конф. - Челябинск : Два комсомольца, 2011. - С. 177.
3. Khamraev Z.M, Kakhkhorov O.S. (2020). Analysis of the processes of development of foreign trade in Uzbekistan. Scientific Reports of Bukhara State University. Vol. 3: Iss. 2, P. 235-245.
4. Kakhkhorov O.S. (2017). The main approaches to management effectiveness evaluation in educational institutions. The Way of Science. № 2 (36). P. 127.
5. Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.И. (2019). Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар. Жамият ва Бошқарув. №1 (83), 115-117-бетлар.
6. Sayfulloev O.O. (2020). Agrotourism as one of the prospective direction of the tourist industry. The American Journal of Social Science and Education Innovations. Vol. 2, Issue 09-39, pp. 254-259.
7. Қаҳҳоров О.С., Сайфуллоев О.О. (2021). Агротуризм соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муаммолари ва истиқболлари. Scientific progress. - Т. 2. - №. 3. - С. 667-674.
8. Қаҳҳоров О.С., Сайфуллоев О.О. (2021). Ўзбекистонда агротуризм - асосий муаммолар, хусусиятлар, ислохотлар ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш зарурияти. Science and Education. - Т.2. - №.3 - С. 354-366.
9. Қаҳҳоров О.С., Сайфуллоев О.О. (2021). Агротуризм соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Scientific progress. - Т. 2. - №. 3. - С. 964-971.
10. Каххоров О.С. (2017). Современные тенденции в подготовке кадров-экономистов в системе образования Узбекистана. Современные тенденции в науке и образовании. С. 126-128.
11. Каххоров О.С. (2017). Формирование резерва современных руководящих кадров в системе образования. Наука и Мир, 2:2, С.28-31.
12. Каххоров О.С. (2017). Подходы и способы оценки эффективности управления образовательных учреждений. Экономика и предпринимательство. №1, С. 1037-1041.
13. Каххоров О.С. (2016). Зарубежный опыт по созданию механизмов поддержки исследовательских работ в системе подготовки кадров. Наука и образование: проблемы и тенденции развития. №1, С. 97-102.

14. Қахҳоров О.С., Наимов А.Х., Сайфуллоев О.О. (2021). Агросаноат мажмуасига инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда соҳа учун кадрлар тайёрлаш масалалари. *Scientific progress*. 2:4, 4-12 бетлар.

15. Қахҳоров О.С., Наимов А.Х., Сайфуллоев О.О. (2021). Агросаноат мажмуаси корхоналарини инвестицион фаолияти самарадорлигини ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш йўллари. *Scientific progress*. 2:4, 13-21 бетлар.

16. Қахҳоров О.С., Наимов А.Х., Сайфуллоев О.О. (2021). Қишлоқ хўжалиги тармоғида инвестицион жараёнларнинг эконометрик таҳлили ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш истикболлари. *Scientific progress*. 2:4, 22-31 бетлар.

17. Khamidov O.Kh., Kakhkhorov O.S. (2020). The specific areas of strategic management of higher educational institutions. *Scientific Reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4, P. 280-289.

18. Kahhorov O.S. (2020). Higher education management features based on innovation. *Scientific Reports of Bukhara State University*: vol. 4, iss. 1, p. 301-310.

19. Kakhkhorov O.S. (2020). The theoretical basis of strategic management of higher education system. *Scientific reports of Bukhara State University*. 3:4, P. 290-302.

20. Khamidov O.K., Kahhorov O.S. (2020). Prospects of monitoring graduates' employment in digital technologies. *Scientific Reports of Bukhara State University*. 4:5, P. 268-273.

21. Stanco L., Shaydullaev Sh., Khamidov O., Augustinova A., Damasek L., Bek T., Kmosek M. (2017). In the footsteps of Euthydemus. Preliminary report for Archaeological Survey in the Baysun District (South Uzbekistan), Season 2018. *Studia Hercynia*. No. 1, pp. 141-72.

22. Inoyatova S.A., Khamidov O.Kh. (2018). ICT in Uzbekistan Tourism: analysis of online customer reviews. *Scientific Conference "Problems and prospects of tourism development for the population in need of social protection"*. pp. 10-12.

23. Stanco L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J., Kysela J., Shaydullaev A., Khamidov O., Havlik J., Tlusta J. (2016). Preliminary Report on the Excavations at Burgut Kurgan in 2015. *Studia Hercynia*, XX (2), pp. 86-111.

24. Sayfutdinov Sh., Khamidov O., Sobirov B. (2015). Implementation of up-to-date experience of the world in the tourism sector of Uzbekistan, with the current innovative technologies and adjustable suggestions: case of Uzbekistan. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. 5:8, pp. 84-107.

25. Sobirov B.B., Khamidov O., Parдавев O.M., Ramos-Ramos S., Soliev M.B., Negmatov B.M. (2015). The role of social media, user generated platforms and crowd sourcing in the development of tourism destinations *Journal of Hospitality Management and Tourism*. Vol. 6 (4), pp. 30-38.

26. Khamidov O. (2017). New Stage of Tourism Development in Uzbekistan: Actual Problems and Perspectives. *World Scientific News*. 86:3, pp. 134-149.

27. Khudoykulov K., Khamidov O. (2015). Testing Capital Asset Pricing Model (CAPM) on the Emerging Markets of the Europe. *Spanish Journal of Rural Development*. Vol. VI (3), pp. 1-8.

28. Augustinova A., Stanco L., Damasek L., Kolmacka T., Khamidov O., Shaydullaev Sh. (2017). Archaeological Survey in the Oases of Maydon and Goz in the Piedmont of the Kugitang Mountains (South Uzbekistan) - Preliminary report for season 2017. *Studia Hercynia*. No. 2, pp. 139-159.

29. Khamidov O.Kh., Rakhimov J.J. (2021). Implementing economic clustering in Uzbekistan's tourism industry. *Middle European Scientific Bulletin*. 12, pp. 113-119.

30. Хамидов О.Х. (2016). Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: IQTISODIYOT нашриёти.

References

1. Kaznacheeva S.N., Chelnokova E.A., Korovina E.A. Agritourism as one of the promising areas of the tourism industry // *International Journal of Applied and Fundamental Research*. - 2017. - No. 3-2. - S. 248-252;

2. Kovalevskaya V.V., Agritourism - a new type of tourism? / V. V. Kovalevskaya. - Text: direct // *Problems of modern economics: materials of the I Intern. scientific. conf. - Chelyabinsk: Two Komsomolets, 2011* .-- P. 177.

3. Khamraev Z.M, Kakhkhorov O.S. (2020). Analysis of the processes of development of foreign trade in Uzbekistan. *Scientific Reports of Bukhara State University*. Vol. 3: Iss. 2, P. 235-245.

4. Kakhkhorov O.S. (2017). The main approaches to management effectiveness evaluation in educational institutions. *The Way of Science*. No. 2 (36). P. 127.

5. Qahhorov O.S., Adizov B.I. (2019). Competitiveness of graduates of higher education institutions: concepts, ideas, views. *Society and Governance*. №1 (83), pp. 115-117.

6. Sayfulloev O.O. (2020). Agrotourism as one of the prospective direction of the tourist industry. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. Vol. 2, Issue 09-39, pp. 254-259.

7. Qahhorov O.S., Sayfulloev O.O. (2021). Problems and prospects of training competitive personnel in the field of agritourism. *Scientific progress*. - Т. 2. - №. 3. - S. 667-674.

8. Qahhorov O.S., Sayfulloev O.O. (2021). Agrotourism in Uzbekistan - the main problems, features, reforms and the need for training for the industry. *Science and Education*. - T.2. - №.3 - C. 354-366.
9. Qahhorov O.S., Sayfulloev O.O. (2021). Peculiarities of training competitive personnel in the field of agritourism. *Scientific progress*. - T. 2. - №. 3. - S. 964-971.
10. Kakhkhorov O.S. (2017). Modern trends in training economists in the education system of Uzbekistan. *Modern trends in science and education*. S. 126-128.
11. Kakhkhorov O.S. (2017). Formation of a reserve of modern leading personnel in the education system. *Science and Peace*, 2: 2, pp. 28-31.
12. Kakhkhorov O.S. (2017). Approaches and methods for assessing the effectiveness of the management of educational institutions. *Economy and entrepreneurship*. No. 1, S. 1037-1041.
13. Kakhkhorov O.S. (2016). Foreign experience in creating mechanisms for supporting research work in the personnel training system. *Science and education: problems and development trends*. No. 1, S. 97-102.
14. Qahhorov O.S., Naimov A.X., Sayfulloev O.O. (2021). Peculiarities of attracting investments in the agro-industrial complex and issues of training for the industry. *Scientific progress*. 2: 4, pages 4-12.
15. Qahhorov O.S., Naimov A.X., Sayfulloev O.O. (2021). Ways to increase the efficiency of investment activities and human resources of enterprises of agro-industrial complex. *Scientific progress*. 2: 4, pages 13-21.
16. Qahhorov O.S., Naimov A.X., Sayfulloev O.O. (2021). Econometric analysis of investment processes in the agricultural sector and prospects for capacity building. *Scientific progress*. 2: 4, pages 22-31.
17. Khamidov O.Kh., Kakhkhorov O.S. (2020). The specific areas of strategic management of higher educational institutions. *Scientific Reports of Bukhara State University*. Vol. 3: Iss. 4, P. 280-289.
18. Kahhorov O.S. (2020). Higher education management features based on innovation. *Scientific Reports of Bukhara State University*: vol. 4, iss. 1, p. 301-310.
19. Kakhkhorov O.S. (2020). The theoretical basis of strategic management of higher education system. *Scientific reports of Bukhara State University*. 3: 4, P. 290-302.
20. Khamidov O.K., Kahhorov O.S. (2020). Prospects of monitoring graduates' employment in digital technologies. *Scientific Reports of Bukhara State University*. 4: 5, P. 268-273.
21. Stanco L., Shaydullaev Sh., Khamidov O., Augustinova A., Damasek L., Bek T., Kmosek M. (2017). In the footsteps of Euthydemus. Preliminary report for Archaeological Survey in the Baysun District (South Uzbekistan), Season 2018. *Studia Hercynia*. No. 1, pp. 141-72.

22. Inoyatova S.A., Khamidov O.Kh. (2018). ICT in Uzbekistan Tourism: analysis of online customer reviews. Scientific Conference "Problems and prospects of tourism development for the population in need of social protection". pp. 10-12.

23. Stanco L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J., Kysela J., Shaydullaev A., Khamidov O., Havlik J., Tlusta J. (2016). Preliminary Report on the Excavations at Burgut Kurgan in 2015. *Studia Hercynia*, XX (2), pp. 86-111.

24. Sayfutdinov Sh., Khamidov O., Sobirov B. (2015). Implementation of up-to-date experience of the world in the tourism sector of Uzbekistan, with the current innovative technologies and adjustable suggestions: case of Uzbekistan. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. 5: 8, pp. 84-107.

25. Sobirov B.B., Khamidov O., Pardaev O.M., Ramos-Ramos S., Soliev M.B., Negmatov B.M. (2015). The role of social media, user generated platforms and crowd sourcing in the development of tourism destinations *Journal of Hospitality Management and Tourism*. Vol. 6 (4), pp. 30-38.

26. Khamidov O. (2017). New Stage of Tourism Development in Uzbekistan: Actual Problems and Perspectives. *World Scientific News*. 86: 3, pp. 134-149.

27. Khudoykulov K., Khamidov O. (2015). Testing Capital Asset Pricing Model (CAPM) on the Emerging Markets of the Europe. *Spanish Journal of Rural Development*. Vol. VI (3), pp. 1-8.

28. Augustinova A., Stanco L., Damasek L., Kolmacka T., Khamidov O., Shaydullaev Sh. (2017). Archaeological Survey in the Oases of Maydon and Goz in the Piedmont of the Kugitang Mountains (South Uzbekistan) - Preliminary report for season 2017. *Studia Hercynia*. No. 2, pp. 139-159.

29. Khamidov O.Kh., Rakhimov J.J. (2021). Implementing economic clustering in Uzbekistan's tourism industry. *Middle European Scientific Bulletin*. 12, pp. 113-119.

30. Xamidov O.X. (2016). Improving the management of ecotourism in Uzbekistan: problems and solutions. Monograph. T .: ECONOMIC PUBLISHING HOUSE.